

Абу Ҳошим Абдулмутталиб ибн Фазл



18:30 / 18.04.2021 2473

Шайх, имом, аллома, ҳанафийларнинг улуғларидан, ифтихоруддин («дин фахри») Абу Ҳошим Абдулмутталиб ибн Фазл ибн Абдулмутталиб ибн Ҳусайн ибн Абдурраҳмон ибн Абдулмалик ибн Солиҳ ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб Қураший Ҳошимий Аббосий Балхий Ҳанафий Ҳалабий.

Мовароуннаҳрда фақиҳ бўлиб етишганлар. Самарқанд, Балх ва шу диёрларда қози Умар ибн Али Маҳмудий, Абул Фатҳ Абдурашид Валволийий, адиб Умар ибн Али Каробисий, наққош Абу Али Ҳасан ибн Бишр Балхий, имом Абу Шужоъ Бистомий ва бошқалардан ҳадис эшитганлар.

Фатво берганлар, фикҳий мунозараларда қатнашганлар, китоб ёзганлар. «Ҳаловия» мадрасасида дарс берганлар. Ҳанафий мазҳабидаги «Ал-Жомеъ

ал-кабир»ни шарҳлаганлар. У кишининг кўп шогирдлари фақиҳ бўлиб етишган. Ҳадис илмида санадлари олий, эшитишлари саҳиҳлик талабига жавоб берадиган, шарафли, бадавлат, парҳезкор, диндор, пурвиқор бўлганлар.

Бу кишидан кўплар ҳадис ривоят қилганлар. Улар: зоҳид Тақийиддин Аҳмад ибн Абдулвоҳид Ҳавроний, Бирзолий, Зиё, Имод Аҳмад ибн Юсуф Ҳанафий, Муаййид Иброҳим ибн Юсуф Қифтий, Абул Макорим Исҳоқ ибн Абдурраҳмон ибн Ажамий, укалари Муҳаммад, амакиваччалари Қутб Муҳаммад, Авн Сулаймон ибн Ажамий, муҳаддис Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Ажамий, Камол Аҳмад ибн Насибий, Абдуллоҳ ибн Авҳад Зубайрий ва бошқалар.

Шайх Зиё ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, бу киши 616 йил жумодул охир ойида Ҳалабда вафот этганлар. У кишининг ижозатлари билан ривоятлари Зайнаб Киндияга эшиттирилган.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан